



**Дармоной ЎРАЕВА**  
филология фанлари доктори, профессор  
Бухоро давлат университети



**Баҳор ТЎРАЕВА**  
Таҳририят ва нашриёт бўлими муҳаррири  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

## **ТАРИХИЙ РОМАН СЮЖЕТИДА ВАҚТ ТУШУНЧАСИНИНГ КОИНОТ ВА ТАБИАТГА ОИД БИЛИМЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ**

Маколада тарихий романлар сюжетида осмон жисмлари ва табиат ҳодисаларининг пайдо бўлиши, йил, ой, кун ҳисоби билан боғлиқ календар мифларга хос белгилар мавжудлиги, романнинг синкретик адабий ҳодиса эканлиги ҳамда мазкур тушунчаларни бадиий вақт асосида ифода этиш принциплари таҳлил қилинган.

Статья посвящена сюжетам исторических романов, в которых описывается возникновение небесных тел и природных явлений. Кроме того, анализируются знаки календарных мифов, а также исследуется специфика романа как синкретическое литературное явление на основе художественного времени.

The article is devoted to the emergence of celestial bodies and natural phenomena in reflected the plot of historical novels. The presence of signs inherent to calendar myths, as well as the specifics of the novel as a syncretic literary phenomenon have been analyzed on the basis of literary time.

**Калит сўзлар:** коинот ва табиатга оид билимлар, тарихий роман, фазо ва вақт, бадиий вақт, замон ва макон ўлчамлари, миф.

**Ключевые слова:** знания о вселенной и природе, исторический роман, пространство и время, художественное время, измерения времени и пространства, миф.

**Key words:** knowledge of the universe and nature, historical novel, space and time, literary time, time and space dimension, myth.

Макон ва замон бадиий асарнинг ажралмас қисми. У воқеалар тизимининг кетма-кетлиги, ҳаққоний ва ҳаётийлигини таъмин этувчи адабий ҳодисадир. Бадиий вақт ҳикоя қилиб бериш жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Инсониятнинг илк қарашлари, тасаввур-тушунчалари оғзаки шаклда ифода топган. Адабий матнда маълум макон ва замонда рўй берган, рўй берадиган ва рўй бераётган воқеа-ҳодисалар системаси акс этади. Бадиий вақт мавжуд бўлсагина асар ўзининг тўлиқ маъносига эга бўлади.

Борлиққа ҳозирги замон тушунчалари билан ёндашиш, у орқали дунёни санъат асарларида акс эттиришда вақт категорияси катта аҳамият касб этади.

Замон ва макон категориялари фалсафа(Аскин Я. “Пространство, время, движение”. –М., 1971; Ритм, пространство и время в литературе и искусстве” Л., 1974); “Пространство и время в искусстве”. – Л., 1988); Zeman J. “Time in Science and Philosophy, an International Study of Some Current Problems”. – Р., 1971.), табиий фанлар, санъат(Иванов В. Категория времени в искусстве и культуре XX века, –Л., 1974); социология, психология (Fraisse P. *The psychology of time*. – New York, 1963); (Allan L. The perception of time. *Perception & Psychophysics*. – L., 1979); гуманитар (Meyerhoff H. Time in literature, 1955); ва аниқ фанлар (Guy B. The duality of space and time and the theory of relativity. New Energy, 2002; “The link between the space and time concepts and the meaning of the relativity theory”. – L, 2002) доирасида ўрганилган.

Адабиётшуносликда В.Иванов, Р. Якобсон, Д.Лихачев, М.Бахтин, Н.Меййергоф, З. Тураева, Н.Шодиев, Б. Каримов, А.Тўйчиев, Ф.Муродов, У.Жўракулов, С.Мирзаева, М.Умарова каби олимларнинг бадиий вақт категорияси, методлари ва типлари борасидаги назарий қарашлари эътиборлидир.

Вақт ҳақидаги тушунчаларнинг ривожланиб бораётганлиги ҳозирги адабиётнинг муҳим ютуқларидан биридир. Адабиётда ҳаракатнинг кўп томонлама шаклларини ва борлиқ манзарасини бадиий асарда тасвирлаш борган сари кўпайиб бормоқда. Адабиёт санъатнинг бошқа соҳаларидан кўра кўпроқ вақт санъатига айланиб бормоқда. Вақт унинг обьекти, субъекти ва тасвирлаш қуролидир.

Инсоният, ҳайвонот, ўсимлик дунёси, ернинг геологик тортишиши ва тузилиши, юлдузлар олами, умуман, борлиқдаги мажудотлар ҳамиша ҳар томонлама ўзгаришда эканлиги англаради. Моддий ва руҳий оламни тарихийлик нуқтаи назаридан тушуниш, англаш фалсафа ва санъатнинг барча қисмини ўз ичига олади (5).

Бадиий ижодда замон ва маконнинг ўлчамлари шартли тарзда ўзгариб туради. “Замон сикилиши ва узайиши, тўхташи ва орқага кайтиши мумкин. Шу каби муносабатлар қоришиб кетиши, турли усуслар воситасида ўзгариши мумкин. Шу асосда реал шакл ва бадиий шакл ўртасида шартлилик деб аталувчи оралиқ ҳосил бўлади”(10, 31).

*Адабий вақт – замон ҳақиқий астрономик вақтдан қуидаги хусусиятларга кўра фарқланади:*

- 1) сюжет ўзгаришлари;
- 2) матн хусусиятлари;
- 3) ўтган замоннинг ретроспектив тасвири;
- 4) воқеалар тасвири;
- 5) баъзи замонларнинг параллел мавжудлиги (9).

Қадимда яратилган асарлар мифологик вақт белгилари билан характерланади, “дунё даврлари” вақт асосида турлича бадиий манзараларда ифодаланади. Леви-Стросс фикрича, мифологик вақт қайтар-қайтмас, синхрон-диахронликнинг бирлигидир. Мифологик вақтда ўтмишнинг инвариант шакли ҳозирги ва келаси замонда намоён бўлади. Мифологик вақтнинг циклик тузилиши, мазмуни, аҳамияти турли даврлардаги санъат ривожида кўринади. Мифологик тафаккур ғоятда устувор мақсадда, бир томондан, гомоморфизм ва изоморфизмнинг илмий жиҳатдан аҳамиятли жиҳатини таҳлил қиласа, иккинчи томондан, турли тарихий даврларнинг бадиий манзарасини қайта гавдалантириди(7). Цикллар алмашинуви кўринишида вақтнинг доимий такрорийлиги тарихий романлар сюжетида мавжуд. Воқеликни эстетик категория сифатида идрок этиш ҳамда бадиий сўз воситасида талқин қилиш анъанаси келиб чиққач, қадимги мифларнинг асосий қисми сўз санъатининг турли жанрларига, жумладан, тарихий романлар сюжетига сингиб кетган. Ўрта асрлар маданиятида вақт, аввало, мангуликни кўзгуда акс эттириш ҳақидаги тасаввурларда намоён бўлган, бунда вақт кўпроқ эсхотологик кўринишда бўлган: вақт яралиш ҳодисасидан бошланади ва кейинги воқелик билан тугалланади. Вақтнинг устувор йўналиши эса келажакка қаратилган бўлади.

Аждодларимизнинг осмон жисмлари ва табиат ҳодисаларининг пайдо бўлиши тўғрисидаги қадимий фантастик тушунчаларини ўзида акс эттирган самовий мифлар; йил, ой, кун ҳисоби билан боғлиқ календар мифларнинг тарихий романлар сюжетида мавжудлиги мазкур жанрнинг синкретик адабий ҳодиса эканлигидан далолатdir.

Ҳаракат ва дунёнинг ўзгарувчанлигини вақтнинг турли-туман шакллари орқали ҳис этиш ва англашга интилиш бадиий адабиётда муҳим ўрин тутмоқда.

Адабиётда замонни ифодалашнинг воситалари қуидагилар:

- 1) матннинг жанри;
- 2) муаллиф дунёкараши;
- 3) муаллиф услуби;

4) асарда тасвирланган замоннинг ўқувчи томонидан образли талқини (9).

XX асрнинг 70–80-йилларида яратилган тарихий романлар сюжетида тарих ҳақиқатини бадиий тафаккур қатламларига кўчиришда коинот ва табиатга оид билимлар, урф-одатлар адабий-эстетик вазифа бажарган. Табиат ҳодисалари, коинот сир-асрорлари асар бадиий вақтини ифода этишда ўзига хос хусусиятга эга. Шахс аниқ макон ва замонда яшайди. Асарда инсон образини гавдалантириш, унинг руҳияти ва табиатини ифодалаш, тасаввурий макон ва замонда маданият, хулқ-автор ва урф-одатларга оид билимларни жамлаш имконини беради. Табиат ва коинот астрономияга доир илмий терминлар, аммо бадиий талқин қиласиган бўлсақ, инсон образи ўз коинот сфераси ва табиатига эга. “Диний ва мифологик талқинга кўра, инсон моҳиятнан космос гоясининг маҳсули ёинки шу феноменнинг ўта кичик шакли (микрокосм)дир”(4, 513). Инсон коиноти ва табиати сферасида тарихий ва бадиий вақтни тадқиқ этиш, астрономик билимларни бадиий асар сюжетига сингдириш ва уларнинг бадиий моделини яратиш мезонларини тарихий романлар мисолида таҳлил қиласиз.

Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи воқеалари ўзанида зойича орқали юлдузларнинг самовий ҳолатига қараб олдиндан башорат қилиш мотиви мавжуд. “Бу йил соҳибқирон Амир Темур түгилган йилдагидай фалак қозиси Муштарий билан Зухро юлдузлари бир-бирига яқин келиши кутилар эди. Кўнгли нотинч давлатпаноҳ эса бунга аллақандай умид боғлар, ниманидир кутар эди” (1, 4). Астрономик кузатишлар шуни таъкидлайди, Зухал ва Муштарий ҳар саккиз юз йилда яқинлашади. Сўнгги икки ярим минг йилда улар уч марта яқинлашиб, биринчисида Искандар Зулқарнайн, иккинчисида Мұхаммад алайхиссалом, учинчисида эса Амир Темур дунёга келган.

Франциялик машҳур темуршунос олим Люсен Керен эса фожианинг бошқа сабаби хусусида тўхталади. “Улуғбекнинг тўнгич ўғли билан келиша олмаганлигининг боиси нимада эди?” – дея савол қўяр экан, муаллиф ўз фикрларини Али Яздийнинг “Зафарнома” ва Абдураззоқ Самарқандийнинг 1471 йилда ёзган “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” йилномаси билан асослайди. Ҳар икки асарда ҳам бу воқеанинг сабаби астрология билан боғлиқлиги таъкидланади. Расмий астрологлар томонидан ўрганилган ва унинг ўзи ҳам текшириб чиқсан Улуғбекнинг тақдирни тўғрисидаги башорат (гороскоп)да кўрсатилишича, унинг туғилган куни Аждарнинг дум қисмида жойлашган Шер буржида бўлиб, бу ҳалокатдан нишона бўлган. Абдураззоқ Самарқандийда эса бу фикр тўлдирилади, яъни Улуғбек ва ўғли ўртасидаги адоват уларнинг тақдирдан келиб чиқади. Улуғбекнинг тақдир юлдузи

Аждарнинг дум қисмида бўлиб, баҳтсизлик ва мусибатни ифодаласа, Абдуллатифники Аждарнинг бош қисмида бўлиб, куч ва ғалабадан дарак берган (6).

Роман сюжетида юлдузлар ҳолатига қараб тақдирни олдиндан башорат қилиш мотиви руҳий қийноқлардан талвасага тушган Абдуллатифнинг ўз келажаги ва салтанат тақдири борасида Али қушчидан зойича кўриб, келажагини олдиндан айтиб беришини илтимос қилишида кўринади:

- *Камина тунов куни иқрор бўлғон эдим: илми нужумдан бехабармен...*
- *Йўқ! Йўқ! – шаҳзода қўрқиб кетиб, орқага тисарилди. – Сиздай алломаи даврон илми нужумдан бехабар бўлмоғи гайритабиийдир, мавлоно!*
- *Надоматлар бўлгайким...*
- *Йўқ! Сиз биласиз! Маним пешанамга нелар ёзилган, салтанатнинг тақдири не бўлур – барини биласиз. Ва лекин айтмоқни истамайсиз!...*

(1, 307).

П. Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида юлдузларнинг осмондаги жойлашиш ўрнига қараб зойича кўриш орқали ҳарбий юришлар режалаштирилганлигига алоҳида ургу берилади. Ўша вактларда муナжжимларнинг юлдуз ва жадвалларга қараб башорат қилиши асносида ҳарбий режалар амалга оширилган. Шайбонийхон ҳарбий ҳийласини Бобур саройига маҳсус юбортирган мунажжим қиёфасидаги айғоқчи орқали юзага чиқартириш учун “урушни тезроқ бошлишининг чорасини излаб, Бобур қароргоҳида мунажжимлик қилиб юрган яширин кишиисига хабар юборди. “Осмондаги юлдузларга қараб, Бобурни тезроқ жсанг қилишга кўндирысин, агар ишини чўзса, жосуслигини фош қилиб, бошини кестиргаймен!” деб мунажжимга таҳдид қилди(12, 134). Мунажжим эса осмондаги юлдузлар тартибини мураккаб бир тарзда Бобурга тушунтириб: “Хозир саккиз юлдуз сиз томонда рост туур, – деди. – Яна икки кун ўтгач, бу саккиз юлдуз ганимингиз томонига оғиб кетгай. Агар эрта-индин жсангга киришисангиз, галаба сизни бўлишидан бутун фалакиёт далолат бермоқда!” (12, 134). Раана Сангаа Бобурнинг қўшинидан олти баробар ортиқ лашкар билан ҳужум қилганида Муҳаммад Шариф деган мунажжим: “Мирриҳ гарб томонидадир, осмондаги юлдузлар бизнинг мағлубиятимиздан дарак бермоқда”, деб овоза тарқатади(12, 289). Аммо мунажжимнинг башорати тўғри чиқмади, Бобур бу жангла ғалаба қозонади.

Романда муаллиф пейзаж тасвирини образ руҳиятига мос ҳолатда тасвиirlайди: “Осмонда саккиз кунлик ой сузиб юрар, унинг нури қаршиидаги кўлнинг ўртасида ойдин йўлка ҳосил қилган эди. Кўлнинг нариги четидан тоғ этагигача келган бу нур йўлкасида тўлқинлар жимир-жимири гавҳар жилвасига ўхшаб кўзни қамаштиради. Лекин Хондамир шу нур ўйинида ҳам

*Бобур тасвирилаган воқеаларни кўрар, уларнинг таъсирини хаёлидан узоқлаштиромас эди”(12, 292).*

Бобурнинг руҳияти – ватан соғинчидан ўртаниш ҳолати, яъни роман психологияк вақтини ёзувчи юлдузлар билан боғлиқ эпизодда мохирона тасвирилай олган: “*Юлдузлар энди жой-жойига тўхтаб, сокин нур соча бошлиди. Ана Олтин Қозиқ. Унинг гарб томонидаги Етти Огайни юлдузлари уфққа оғиб тушиб кетяпти. Шарқдан эса бир тўп бўлиб Ҳулкар юлдузлар кўтарилиб келяпти*”. Умрининг сўнгги дақиқаларини кечираётган Бобурнинг оғир дард билан олишишидаги ҳорғинликдан осойиш истаб, чексиз самога қараб, таскин топишида, Агра осмонидан Андижон самосини излашида узоқ йиллар давом этган ҳижрон, согинч изтироблари акс эттирилган: “*Бобур ҳам болалалиги ўтган Андижон осмонини эслади. Мана шу Етти Огайни юлдузлари ўша ерда ҳам Олтин Қозиқни айланиб ўтиб, гарбга ботиб кетарди. Ўша ерда ҳам Етти Огайни уфққа бош қўйган сари Ҳулкар юлдузлари осмоннинг баланд жойларига чиқиб борарди. Бобур ўсмирлигидан Ҳулкар юлдузларини олмосдан ясалган варракка ўҳшатар эди. Осмон дунёning ҳамма жойида бир экани, умрининг бошланишида Андижонда кўрган юлдузлари умрининг охрида Аграда ҳам чакнаб тургани унга сўнгги бир тасаллидай туюлди*”(12, 462–463).

“Авлодлар довони” романидаги “Қонуни Ҳумоюний” низомига кўра Ҳумоюннинг қўл остидаги одамлар табиий мавжудотдаги осмон, ер ва уларнинг оралиғи тимсолида бўлиб чиқилганида ҳам рамзий маъно мавжуд. Табиатдаги тартибу аниқликни, мувозанату событликни жамиятга татбиқ этиш мақсадида катта бобоси Амир Темур сингари ўн икки тамойилга асосланиб, одамларини ўн икки табақага бўлиб, идора этди. Ўн икки табақани бошқариш қийин бўлганидан уч табақани бирлаштириб, тўртта вазорат ташкил қиласди. Буни ҳам табиатдаги тўрт унсур: олов, ҳаво, тупроқ, сув каби “аносири арбаага монанд” деб таърифлаб, қуидаги турларга ажратган:

- 1) «*саркори оташи*» – барча тўпу тўпхоналар, қурол-яроғ ва ҳарбий ишлар назоратчиси;
- 2) «*саркори ҳавои*» – сарой таъминотига, ошхона, сайисхона, кийим-кечак ишларига мутасадди;
- 3) «*саркори оби*» – ариқ қазиши ва сугориши ишларини бошқаради, шарбат, чоғир ва бошқа ичимликлар тайёрлайди;
- 4) «*саркори ҳоки*» (яъни, тупроқбоши) – зироат, дехқончилик ва иморатсозлик каби соҳаларга жавобгар(13, 17).

Ҳумоюннинг фармонига биноан, бу тўрт вазоратнинг одамлари кийинишида ҳам бир-бирларидан фарқ қилишлари лозим бўлган, тики бир қарашда уларнинг қайси соҳадан эканлигини ажратиш мумкин бўлсин. Унинг

ўзи эса ҳафтанинг маълум кунида осмондаги бирор сайёранинг рангига ва қиласиган ишининг мазмунига мос кийинишга ҳаракат қиласди. Нури кўкиш Зухра юлдузига нисбат берилган душанба кунида Ҳумоюннинг кийимида мовий ва яшил ранглар устун бўларди. Сешанба куни Ҳумоюн учун қизғиши нурли Миррих юлдузининг куни(13, 17).

Хукмдорларнинг давлат бошқарувида, узоқ ўлкалар билан савдо-сотик алоқаларини ўрнатиши ва улар билан ҳамкорлик қилишида юлдузлар харитаси жуда керак бўлган. Шу боис ҳам Ҳумоюн туркиялик лашкарбоши Сейди Али Раисдан юлдузлар харитасини тузиб беришини сўрайди:

— *Сиз амирал баҳр сифатида фалакиёт илмини, юлдузлар харитасини яхши билсангиз керак? — Менинг ота-боболарим ҳам амирал баҳр бўлганлар. Юлдузлар харитасини болалигимдан билурмен.*

— *Ундай бўлса биз учун «Доирайи Муаддилунга» оид рисола билан юлдузлар харитасидан бир нусха тайёрлаб бераолурмисиз? — Бош устина, ҳазрати олийлари!(13, 161).*

Юлдузларнинг жойлашиш ўрнига қараб узоқ масофаларни босиб ўтиб манзилга етиш мотиви барча эпик жанрлар сюжетида учрайди. Тарихий романларда йўловчилар осмондаги юлдузларга қараб белгиланган маконга етиб боришлири, адашиб қолганда юлдузлар шаклига кўра маконни хатосиз топишлари каби мотивлар мавжуд.

— *Қайга борурмиз, ҳазратим? Қоронгида йўл кўринмаса! Роҳбинимиз бўлмаса!*

— *Осмонда юлдузлар бор-ку. Ана, Олтин Қозиқ. Биз жанубга йўл олгаймиз. Умарқутга!(12, 77).*

Тарихий романлар сюжетида нафақат осмон жисмлари билан боғлиқ, балки табиатдаги тўрт унсур: ер, сув, ҳаво, олов билан алоқадор мотивлар ҳам асарлардаги вокеа-ҳодисаларнинг ҳаққоний ифодасини таъминлайди. Бу – ота-боболаримизнинг тўрт унсурни муқаддас санаб, топинганлари ва илоҳийлаштирилиши билан боғлиқ ҳодиса саналади.

Акбар ҳам ҳинҷчалаб: — *Мен муқаддас олов, осмон ва ер гувоҳлигида ҳинд қизи рани Жодҳа Байни чин дилдан хоҳлаб ўз никоҳимга олгаймен! — деди(13, 215).*

Коинот ва табиатга оид билимларнинг тарихий романлар сюжетида бадиий вақт орқали ифода этилишини ўрганиш адабиётшунослигимизда тадқиқ этилиши лозим бўлган муҳим муаммолардандир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. (Тўлдирилган қайта нашри) – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. – 334 б.

2. Жаббор Эшионқул. Ўзбек фольклорида туши ва унинг бадиий талқини. <http://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/jabbor-eshonqul-folklorda-tush-tabiri.html>
3. Жўраев М., Нарзиқурова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 184 б.
4. Жўракулов У. Миф ва ижодий жараён. Ўзбек адабий танқиди:[антология]/ тузувчи ва нашрга тайёрловчи Б.Каримов. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2011. – 544 б.
5. Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. – Москва: Наука. 1979. – 376 с.
6. Люсен Керен. Улуғбекнинг астрономия мактаби // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009 йил, 10 июль. – Б. 2.
7. Лосев А.Ф. Античная философия истории. Мифологическое время и мифологический историзм. <http://www.sno.pro1.ru/lib/losev/3.htm>
8. Мелетинский Е.М. Фольклор и постфольклор: структура, типология, семиотика. [www.ruthenia.ru/folklore/meletinsky4.htm](http://www.ruthenia.ru/folklore/meletinsky4.htm)
9. Panasenko N. Interrelations between Literary Time and Space in Prosaic Texts:[www.pulib.sk/elpub](http://www.pulib.sk/elpub)
10. Ритм, пространство и время в литературе и искусстве: Сб./Отв. ред. Б.Ф. Егоров. – Ленинград: Наука, 1974. – С. 31.
11. Қориев М. Спитамен. Тарихий роман. – Тошкент: Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. 270 б.
12. Қодиров П. Юлдузли тунлар. (Бобур). Тарихий роман. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 1989. – 264 б.
13. Қодиров П. Авлодлар довони. (Ҳумоюн ва Ақбар). Тарихий роман. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 1994. – 576 б.